

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

3-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>М.Ҳайдаров</b>	
Ўзбекистон ССРдаги ижтимоий муаммолар: ишчилар норозилигининг сабаблари ва моҳияти.....	101
<b>Т.Ахмедов</b>	
Фуқаролар фаоллигини оширишда телевидениенинг ўрни.....	106
<b>Ғ.Раҳмонов</b>	
Мустақиллик йиллари Ўзбекистон сув хўжалиги тизимида амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг натижалари.....	110
<b>С.Ахмедов</b>	
Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва Мажмаи баҳрайн” асари темурийлар давридаги маданий-маърифий жараёнлар тавсифи бўйича қимматли манба сифатида.....	115
<b>Р.Расулова</b>	
Туркистонга татар “сафарбарлик”лари хусусида .....	121

---

АДАБИЁТШУНОСЛИК

<b>А.Сабирдинов, Д.Муратова</b>	
Ўзбек-корейс халқ оғзаки ижодида оила ва оилавий қадриятлар масаласи .....	126
<b>Э.Жабборов</b>	
Ўзбек миллий адабиётида маърифатпарварлик қарашларнинг такомиллашуви.....	131
<b>Б. Абдураҳмонова</b>	
“Қутадғу билиг” асарининг вазн хусусиятларини ўргатиш.....	138

---

ТИЛШУНОСЛИК

<b>Ғ.Хошимов, Н.Комилова</b>	
Турли тизимли тилларда “Гендер” концепти ва уни воқелантирувчи воситалар майдонининг қиёсий тадқиқи .....	144
<b>Н. Умарова</b>	
Навоийнинг “Садди Искандарий” достонида “Олтин” концептининг фрейм структураси.....	149
<b>Г.Розиқова</b>	
“Девону луғотит турк”да сўз маъносининг метонимия асосида кўчиши.....	155
<b>А.Базарбаева</b>	
Инглиз тили дарсликларида машқлар тақдимотининг назарий асослари .....	160
<b>Д.Рахматуллаева</b>	
Шарқ мутафаккирларининг ғоялари ва “Илм-маърифат” семемали бирликлар.....	164
<b>Б.Баҳриддинова</b>	
Замонавий ўқув луғатларининг таркибий тузилмаси хусусида.....	167
<b>Н.Суярова</b>	
Оламнинг лисоний тасвири ва “Белги” денотатив семали метафораларнинг шаклланиши.....	172
<b>Б.Сулаймонов</b>	
«Теорема» романининг лексикографик тадқиқи.....	176

---

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

<b>Ф.Тошпўлатова</b>	
Чет тилини ўрганиш учун ўқув материалларини танлаш ва ишлаб чиқиш тамойиллари .....	180
<b>Г.Саидова</b>	
Бошланғич синфларда инновацион технологияларни қўллашнинг шакл ва воситалари .....	184

---

ИЛМИЙ АХБОРОТ

<b>Л.В.Гормонов, Б.З.Зарипов, А.А.Грудков, В.А.Каримов</b>	
Физиологик шароитларда каламушларнинг ингичка ичагида озуқа	

УДК: 41+008+001

## ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ҒОЯЛАРИ ВА “ИЛМ-МАЪРИФАТ” СЕМЕМАЛИ БИРЛИКЛАР

## ИДЕИ МЫСЛИТЕЛЕЙ ВОСТОКА И СЛОВАРНЫЕ ЕДИНИЦЫ С СЕМЕМОЙ «НАУКА И ПРОСВЕЩЕНИЕ»

## INVESTIGATION OF IDEAS OF EASTERN THINKERS AND UNITS WITH THE SEME “ENLIGHTENMENT”

Д.Рахматуллаева<sup>1</sup><sup>1</sup>Д.Рахматуллаева

ҚДПИ, ўзбек тили кафедраси ўқитувчиси.

**Аннотация**

Мақолада ўзбек тилидаги “илм-маърифат” семемали лексемалар, уларнинг ички мазмуний гуруҳлари, ҳар қайси лексеманинг умумий ва фарқли хусусиятлари ҳақида сўз юритилади.

**Аннотация**

В данной статье рассмотрены лексемы с семемой “наука и просвещение” в узбекском языке, их внутренние семантические группы, общие и отличительные особенности каждой лексемы.

**Annotation**

The article deals with the lexemes containing the seme “enlightenment” in the Uzbek language, their semantic subgroups, general and distinguishing features of each lexeme within the subgroups.

**Таянч сўз ва иборалар:** маърифат, маданият, илм, таълим, лексема, семема, сема, мазмуний умумлашма, гомоген, гетероген, семантик гуруҳлар.

**Ключевые слова и выражения:** просвещение, культура, наука, образование, лексема, семема, сема, семантическая общность, гомогенный, гетерогенный, семантические группы.

**Key words and expressions:** enlightenment, culture, science, education, lexeme, semema, seme, semantic combination, homogen, heterogen, semantic groups.

Мустақиллик туфайли кўҳна Туркистон диёрида истиқомат қилиб келган барча халқлар миллий қадриятларининг қайта тикланиши ва ривожланиши учун шарт-шароитлар вужудга келди. Ўз тарихига янгича тафаккур асосида ёндашиш, ўтмишдаги педагогик тафаккур даҳоларининг шуҳратини тиклаш, уларнинг ғояларини халқ ҳаётига татбиқ этиш каби улуғ ишлар амалга оширилди. Айни пайтда, ўзбек ва бошқа қардош халқларнинг миллий шаклланиши ва ривожланишини замон талабларига мос келадиган таълим-тарбия тизимисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Ёш авлодни тарбиялаш ва ўқитиш назарияси билан амалиётнинг қандай тараққий қилиб келганлигини билмай туриб, ёшларни ҳар томонлама комил инсон этиб тарбиялаш масалаларини илмий равишда ҳал қилиб бўлмайди.

Ўрта асрлар Шарқ тарихи шундан далолат берадики, маданият ва илм-маърифат, таълим-тарбия, тиббиёт, адабиёт, санъат ва архитектура

соҳаларидаги беқиёс юксалиш, илмий мактабларнинг вужудга келиши, янги-янги истеъдодли авлодлар тўлқинининг пайдо бўлиши ва вояга етиши, – буларнинг барчаси биринчи навбатда иқтисодиёт, қишлоқ ва шаҳар ҳўжалигининг анча жадал ўсиши, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқнинг юксак даражада ривожланиши, йўллар қурилиши, янги карвон йўлларининг очилиши ва авваламбор нисбий барқарорликнинг таъминланиши билан бевосита боғлиқ бўлган. Милодгача бўлган II асрдан милодий XV асрга қадар Буюк Ипак йўли беқиёс вазифа бажариб келган. Бу даврларда турли мамлакатлар халқларининг илмий билим ва ютуқлар билан бир-бирини бойитиб бориши алоҳида роль ўйнади. Буюк Ипак йўли орқали Европага, Европадан эса Осиёга Шарқ ва Ғарб оламидаги улуғ аллома ва мутафаккирлар фаолияти тўғрисидаги маълумотлар етказилди. Сократ, Платон, Аристотель, Птоломей ва антик даврга мансуб бошқа буюк алломаларнинг илмий асарлари, ғоя ва

## ТИЛШУНОСЛИК

кашфиётларини ўрганиш учун амалий имконият вужудга келди.

Ўша даврларнинг анъаналарига кўра, маърифатпарвар мутафаккир ва файласуфлар, олимлар ва шоирлар одатда ҳукмдорлар ва султонлар саройларида паноҳ топганлар. Улар орасида IX-XI асрларда Хивада ташкил этилган Маъмур академияси ва "Байтулҳикмат", яъни "Донишмандлик уйи" деган ном билан шуҳрат қозонган Бағдод академиясида, шунингдек, XV асрда Самарқандда шаклланган Мирзо Улуғбекнинг илмий мактабида самарали меҳнат қилган бир гуруҳ олимлар бутун дунёга донг таратдилар.

Тадқиқотчи-олимларнинг фикрича, Шарқ, хусусан, Марказий Осиё минтақаси IX-XII ва XIV-XV асрларда бамисоли пўртанадек отилиб чиққан икки қудратли илмий-маданий юксалишнинг манбаи ҳисобланиб, жаҳоннинг бошқа минтақаларидаги Ренессанс жараёнларига ижобий таъсир кўрсатган Шарқ Уйғониш даври – Шарқ Ренессанси сифатида дунё илмий жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда тан олинган.

Ҳозирги кунда юртимизда илм-маърифат, жумладан, таълим, етук кадрлар тайёрлаш соҳасига эътиборнинг кучайиши натижасида мактабгача таълимдан олий ўқув юртидан кейинги босқичга қадар изчил равишда бу жараён тубдан янгиланмоқда. Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатида "Ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак"[1], деб таъкидлаган.

"Илм-маърифат" семемали лексемаларнинг ички мазмуний бўлинишлари, синтагматик хусусиятлари билан алоқадор белгилари асосида ўрганиш ҳам бугунги кунда тилшуносликнинг муҳим масаласига айланди. Яқин йилларга қадар тилга мунтазам алоқадорликдаги элементларнинг ўзаро муносабатидан ташкил топган яхлит система сифатида қаралиб, лексеманинг лисоний белгиларини турли хил аспектларда мукамал тадқиқ этиш ўзбек тилшунослигининг алоҳида йўналишларидан бирини ташкил этди. Бизга маълумки, "парадигма билан мазмуний майдон ўртасидаги муҳим фарқловчи

белгилар бир сатҳлилиқ – турли сатҳлилиқ ва гомогенлик – гетерогенликдир" [2, 84].

Ўзбек тили лексик системасида илм-маърифат, таълим билан боғлиқ тушунчаларни англатувчи турли сатҳга мансуб қатор лингвистик бирликлар бўлиб, бу тушунчаларни англатувчи бирликларни семантик-структур таҳлил этиш ўзига хос самара беради. Турли бадиий, илмий, публицистик манбаларда таълим билан боғлиқ лексемалар, синтактик қурилмалар учрайди.

Мустақиллик шароитида таълим тизимида бир қатор янги тушунчалар ва бу тушунчаларни ифодаловчи янги атамалар ҳам пайдо бўлдики, бу атамалар "илм-маърифат" семемали лексемалар системасида муносиб ўрин эгаллади. Ўзбек тилида илм, таълим билан боғлиқ бўлган қатор лексемалар мавжуд бўлиб, улар турли семаларга эга бўлади. Масалан, "шахс" семасига эга бўлган *ўқитувчи, ўқувчи, мудир, тадқиқотчи, олим* ёки "ўрин" семали *мактаб, институт, шунингдек, китоб, қалам, дафтар, мақола* сингари "предмет" семали лексемалар учрайди.

Ш.Искандарова ўзбек тилидаги шахс номларини мавзу гуруҳларига ажратар экан, инсоннинг билим, қобилият ва қизиқиши асосидаги шахс номларини қобилият, билим, тажриба ва маълумот асосида фарқланган ички гуруҳларга бўлади. Булар таркибига *қобилиятли, талантли, нўноқ, оми, авом, аҳмоқ, доҳий, даҳо, донишманд, мутафаккир; уста, моҳир, эпсиз, маҳоратли, мутахассис, олим; полиглот, машойих, сиёсатдон, психолог, файласуф, қонуншунос* тарзидаги қатор бирликларни киритади [2,33]. Ушбу бирликлар орасида аксарияти "таълим" семали лексемалар билан туташади. Мазкур лексемаларда "шахс" ва "белги" семалари уйғун ҳолда мавжуд. Шу сабабли улар "таълимга нейтраллик" белгиси билан хосланади. "Тафаккур" сўзи фикр юритиш, ўйлаш, фикрлаш маъноларини англатади ва объективликнинг тасаввур, тушунча ва муҳокамадаги фаол инъикос жараёни, инсоннинг фикрлаш қобилияти демакдир[3,91]. Тафаккурнинг ўзига хос хусусиятлари уни тил билан бевосита боғлиқлигидир. "Тафаккур" архисемаси асосида бир парадигмани ташкил қилувчи феъллар таркибидаги *англамоқ* феъли

“онг”, “ақл”, “тушунмоқ” семалари билан ўзи мансуб бўлган парадигма аъзоларидан фарқ қилади. “онг”, “ақл”, “тушунмоқ” белгилари “англамоқ” феълнинг хусусий (фарқловчи) белгиси ҳисобланади.

Илм-маърифат билан боғлиқ нарсалар предмет номларига мансуб *дафтар, газета, қоғоз, китоб, мақола, монография* лексемалари маълум семаларини сақлаган ҳолда қўлланилган: *Кеча Ҳамдам ота-оналар мажлиси бўлиши тўғрисида мактабдан қоғоз олиб келган (А.Қаҳҳор). Қоғоз лексемаси таркибида “нарсас”, “юпқа”, “ёзишга мўлжалланган”, шунингдек, “ҳужжат” семалари мавжуд бўлиб, берилган парчада бу лексема “ҳужжат” семаси орқали намоён бўлмоқда. Таълим билан боғлиқ бўлган белги англатувчи лексемалар ҳам юқоридаги лексемалар билан бир қаторда келиши ва алоҳида парадигма ҳосил қилиши мумкин. Бундай лексемалар қаторига *аъло, яхши, ўрта, ёмон, қониқарли, қониқарсиз* бирликларини киритиш мумкин. Улар “таълим”, “баҳо”, “даража” семалари билан умумийлик ҳосил қилади ва даража кўрсаткичлари асосида ўзаро фарқланади. Ўзбек тилидаги айрим лексемаларнинг архисемаси “белги” семаси бўлмаса-да, улар “таълим” семали “шахс”, “предмет” семаси орқали воқеланган бирликлар билан семантик асосда боғланади. Чунки “парадигма аъзолари нутқ жараёнида ҳар қайси тилнинг муайян қонун-қоида*

асосида ҳамда парадигма аъзосининг маъноси доирасида бошқа парадигма аъзосининг варианты билан синтагматик муносабатга киришади” [4,9].

Таълим тушунчаси билан боғлиқ *ўқимок, таълим бермоқ, қўймоқ (баҳо), билмоқ, ёзмоқ* ҳаракат англатувчи бирликлар ҳам тилимизда фаол ишлатилади. Бундай ҳолат таҳлил объекти сифатида олинаётган бирликларнинг синтагматик муносабати асосида ҳам ўрганишни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида ёш авлоднинг тарбияси ҳақида қуйидаги фикрларни баён этди: “Бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар икки миллиард кишини ташкил этмоқда. Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ”[5]. Шу маънода Ўрта асрларда яшаб ижод қилган, жаҳон цивилизацияси ривожига бебаҳо ҳисса қўшган Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг даҳоси, илм-фаннинг турли йўналишларидаги изланишлари ва қомусий билимларини пухта ўрганиш жуда муҳим. Бу, албатта, тилшуносларга буюк алломаларимизнинг асарларида берилган луғавий бирликлар мазмун-моҳиятини тўлақонли ёритиш вазифасини юклайди.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2020 йил, 25 январь. 19-сон.
2. Искандарова Ш. Тил системасига майдон асосида ёндашув. –Т.: Фан, 2007.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 4-жилд. –Т.: Давлат илмий нашриёти. 2008.
4. Искандарова Ш.М. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони): Филол.фанл. докт... дисс.автореф. –Т., 1999.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор).